

АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА РАНГ ВА ОҲАНГ СИНТЕЗИНИНГ ИНСОН ОБРАЗИ ВОСИТАСИДА ИФОДАЛАНИШИ

Гулрух ХУДОЁРОВА

Ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти

Университети

Тошкент, Ўзбекистон

gulruxxudoyorova@gmail.com

Аннотация

Мақолада Абдулла Орипов ижодида ранг ва оҳанг масаласи ифодаланиш усуллари ҳақида сўз боради. Шоир лирик кечинмаларининг Инсон образи воситасида намоён бўлиши, ранглар орқали руҳий кечинмани ёритиб берилиши илмий таҳлил этилади. Хорижда яратилган шеърлар бадияти аниқланади.

Таянч сўзлар: ранг, синтез, бадий мақсад, лирик кечинма, инсон образи.

ОТОБРАЖЕНИЕ СИНТЕЗА ЦВЕТА И МЕЛОДИИ ЧЕРЕЗ ОБРАЗ ЧЕЛОВЕКА В ТВОРЧЕСТВЕ АБДУЛЛА АРИПОВА

Гулрух ХУДОЁРОВА

Преподаватель

Университет узбекского языка и литературы имени

Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются методы отображения цвета и мотива в творчестве Абдуллы Арипова. С научной точки зрения анализируется отображение лирических переживаний поэта через образ Человека. Определяется художественное значение стихотворений, созданных за рубежом.

Ключевые слова: цвет, синтез, художественная цель, лирическое прощение, человеческий образ.

Чинакам ижодкор ранглар тубида ётган мусиқани тинглай олади, оҳанглар замиридаги рангларни илғайди. Шоирона тилда айтилганда ранглар замирида оҳанглар, оҳанглар замирида эса ранглар бор. Шу сабаб ҳам оҳанг ва ранглар шоир учун чинакам ижод манбаи саналади. Рауф Парфи “Оҳанг оқар, деворда сурат” дея ёзганда айни шу оҳанг, девордаги сурат шоир учун шеър

бўла олишини ҳис қилган бўлса ажаб эмас.

Моҳиятан олиб қараганда санъатларда уйғунлик мавжуд. Бир санъат тури иккинчи бир санъат турини тўлдиради. Бир санъат замирида бошқа бир санъат элементлари ётади. Оҳанг, ранг, шеър – бу уч санъат ўртасидаги боғлиқлик илмий тилда “санъатлар аро синтез ҳодисаси” дея номланади. С.Қуроноунинг таъкидлашича “Санъатлараро синтез ҳодисаси узоқ тарихга эга. Унинг илк, яққол мисоли Қадимги Миср меъморчилигининг тасвирий санъат ва бадий адабиёт билан қилган ҳамкорлигида кўринади. Миср меъморларининг девор ва устунларга ишланган безакларида тасвирий санъат намуналари ҳамда қадимий битиклар яхлит композицияга бирлаштирилган. Умуман, синтезнинг бундай қадимий кўринишини барча маданиятлар тарихида (ибодатхоналар архитектураси мисолида) учратиш мумкин” [6;73]. Албатта, Шарқда ҳам санъатлараро уйғунлик ҳодисаси мавжуд эди. Бу ҳақда юқоридаги манбадаги қуйидаги фикрлар аҳамиятли: “Шарқ мумғоз санъатлари тараққиётида ҳам синтез ҳодисаси муҳим омил ҳисобланган. Тўғрироғи, мумғоз санъатлар ривож бевосита синтез билан боғлиқ ҳолда кечган. Шарқ мумғоз адабиёти, миниатюраси (китоб графикаси) ва мусиқаси ўзаро узвий боғлиқ ҳолда шеърининг нисбий доминантлиги асосида ривож топган” [6;68]

Юқоридаги назарий асослардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, оҳанг, ранг ва шеърининг уйғунлиги азалдан мавжуд ҳодиса сифатида баҳоланади. Фақат Оллоҳ юқтирган истеъдод соҳибигина ўз лирик кечинмаларини ранг ва оҳанглар жилоси билан яхлит бутунликка айлантиргани ҳолда чинакам санъат намунасини ярата олади. Зеро, ижодкор ўз шахсий кечинмаларини маълум қолипларга сола олмайди. Чинакам ижодкор ўз ижоди учун махсус қолиплар яратади. Бу қолиплар фақат унинг ижодига тегишли бўлиб, айтиш шунки қолиплардан унинг кимлигини англаб ололмайди. Асли истеъдод эгаси бўлмаганлар эса, ўз ижодини кимнингдир ижодий қолиpidан фойдаланган

ҳолда яратишга интилади. Натижада бу ўхшамаган тақлид оқибатида у на бировнинг қолипига мослаша олади, на ўзи мустақил ижодий қолипларини ярата олади. Айни шу жиҳатдан Абдулла Орипов шеъриятининг ўз қолиплари мавжуд. Бу ижодий ўлчам яратувчиси эса, шубҳасиз, шоирнинг ўзидир. Абдулла Орипов лирик кечинмаларини баён этишда ранглардан моҳирона фойдаланади, энг муҳими фақат шеърнинггина эмас, рангларнинг ҳам оҳангги борлигини исботлаб беради. Ўқувчи шеърнинг дастлабки оҳангларида ноқ бу услуб, қолип Абдулла Ориповга тегишли эканини англайди. Шоир ижодининг бетакрорлиги шундаки, биз у яратган қолипларни кўриб турамыз, ҳатто қандай қурилганини ҳам топа оламыз, аммо қанча интилсак- да, бу қолипга сиғадиган айни шундай шеърлар ярата олмаймыз. Абдулла Орипов шеърӣ қолипи такрорланмас.

Шоир ўз лирик кечинмалари баёнида ранглардан унумли восита сифатида фойдаланади. Ранглар шоирнинг қайғусини, муҳаббатини, шодлигини, нафратини кўрсатиб беради. Энг муҳими шоир шеърларидаги рангларда оҳанглар бор. Муҳаббат оҳангги, соғинч ва фироқ оҳангги, андуҳ оҳангги... Бу шеърларнинг *тўрттаси* (“Билол Ҳабаш”, “Эзгулик”, “Яшил новда”, “Дилозор”) “Ҳаж дафтари”дан, *учтаси* (“Женева”, “Оқлар ва қоралар”, “Қора юрак”) “Женева дафтари”дан, яна *бештаси* (“Бу кўзлар”, “Оқловчи”, “Ранг-баранглик”, “Фолбинлар”, “Техас осмони”) “Эверест ва Уммон”дан қолган *учтаси* эса “Япон оҳанглари (“Рухият)”, “Италия дафтари” (“Манзаралар”), “Туркия дафтари” (“Қора денгиз”)дан ўрин олган.

Шоир шеърлари илмӣ таҳлили асосида ранглар ва оҳангларнинг ифодаланишида муаллиф бир неча воситалардан фойдаланганлигига гувоҳ бўлдик ва уларни назарий жиҳатдан қуйидагича таснифладик: 1) инсон ва унга боғлиқ воситаларда ранг ва оҳанг синтезининг ифодаланиши; 2) предметлар ва турли элементлар воситасида ранг ва оҳанг синтезининг ифодаланиши; 3) пейзаж воситасида ранг ва оҳанг синтезининг ифодаланиши.

Инсон – табиатнинг энг улугъ яратиғи. Шу боис у адабиётнинг ҳам бош мавзусидир. Зеро, “Борлиқни бадий идрок этишни мақсад қилган бадий адабиётнинг асосида инсон образи туради, чунки борлиқнинг ўзида инсон шу хил мавқеъ эгаллайди. Шундай экан, борлиқни бадий идрок этишни мақсад қилган бадий адабиётнинг бу йўлдаги асосий воситаси инсон образи бўлиши табиий ҳамдир” [5;188] Шу сабабдан Адабиётнинг ҳар қандай мавзуси тағ мазмунида инсон образи, унинг туйғулари ва ҳиссиётлари мужассам Инсон ҳамisha мукамал жамият яратишни ва шундай жамиятда яшашни орзу қилган. Бундай орзу ижобатига эришиш йўлида инсоният турли машаққат ва зиддиятларга дуч келган ва келмоқда. Қачонлардир табақалар, насл- насаб ва ҳатто инсон танасининг ранги ҳам унинг жамиятдаги ўрнига таъсир кўрсатган. Бу фикрларимизга қора танлилар деб ном олган инсонларнинг узоқ асрлар мобайнида қаттиқ хўрликларга учраши, таҳқирланиши мисол бўла олади. Инсон рангининг унинг жамиятдаги ўрнига, тақдирига қай тариқа аҳамият касб этишини “Том тоғанинг кулбаси” асарини мутолаа қилган ўқувчи чуқур ҳис эта олади. Абдулла Орипов шеъриятидан башарият тарихидаги айнаи шу ҳодиса четда қолмайди. “Билол ҳабаш” шеърисида айнаи шу фикрларимиз тасдиғига гувоҳ бўламиз. Шоир ирқчилик масаласига кул Билол образи орқали муносабат билдиради:

*Билол айтар эди азонни яккаш
Сазовор бўлмишди ишончга андоқ.
Расулдан сўрашди: Бу қора ҳабаш
Жаннат чеҳрасига ярашгай қандоқ.*

Эътибор қаратсак, шоир бу шеърда ўз лирик кечинмаларини пинҳон сақлаган ҳолда воқеликка муносабат билдиради. Шоир Билолни мактамайди, уни таъриф тавсиф қилмайди, ёки, аксинча, инсоннинг рангига қараб баҳо берувчиларга ҳам ҳеч қандай муносабат билдирмайди. Шунчаки, ўқувчига

Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг Билолга бўлган муносабатларини ўзига хос усулда баён этади:

Жавоб шундай бўлди: – Сўйлангиз билиб,

Унинг оқ дилида иймон оҳанги.

Жаннат ҳурларига қора хол қилиб,

Бўлиб берилгандир Билолнинг ранги.

Демакки, ўқувчи англаганидек динимизда ҳам инсонга унинг рангидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлиш қораланади. Инсоннинг кимлигини унинг ранги эмас, қалби белгилаб беради. Шоир бундай мисол орқали ўз фикрининг таъсирини кучайтиради, янада яхшироқ натижага эришади. Муаллиф жаннат ҳурларининг қора холлари Билолнинг рангидан яралганлигини таъкидлаш асносида *хусни таълил* шеърини санъатидан моҳирона фойдалангани ҳолда, шу ўриннинг ўзидаёқ *тазод* санъатини (Қора рангли инсон ва оқ дил) ҳам моҳирона қўллайди. Абдулла Орипов ижодидаги ўзига хос жиҳат у ўз лирик кечинмаларини баён қилишда ранглардан моҳирона фойдаланар экан, асосан тазод санъатига мурожаат қилади. Н.Афоқова Абдулла Орипов ижодида тазод санъатининг қўлланиши ҳақида фикр билдирар экан, *тазод образлар* масаласига алоҳида тўхталиб, қуйидагича фикр билдиради. "...Абдулла Орипов асарларининг лейтмотивини инсонга муносабат, комил инсон проблемаси белгилайди. Бу эса шоирнинг жуда кўп шеърларида икки қарама- қарши образ тасвирига асос бўлган. Биз буларни шартли равишда тазод образлар деб атаيمиз. Бундай образлар баъзан шеърнинг айрим қисмида ўз ифодасини топса, баъзан бутун бир шеърга асос бўлади" [1;56] Абдулла Ориповнинг "Женева дафтари"дан ўрин олган "Оқлар ва Қоралар" деб номланган шеъри айнан тазод образлар асносида вужудга келган. Шоир сарлавҳанинг ўзидаёқ метонимияга асосланган ҳолда тазод образларни вужудга келтиради: Оқлар ва Қоралар. Англаганимиздек шеърда тамоман икки

хил инсонлар ҳақида сўз боради. Хўш улар қандай инсонлар. Бунни билишучун шеърга юзланамиз:

*Биродар, гапни сен кўргандан сўра,
Демагил, шеърингда шарпа оралар.
Бир- бирин еб ётган оқлардан кўра,
Афзал- ку ҳамжиҳат ўша қоралар.*

Азалдан қора танлиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, мардлиги, ҳақиқатпарварлиги ҳақида жуда кўп воқеаларни, фикрлар мавжуд. Керак бўлса уларнинг бундай хусусиятлари оқларга ибрат бўлгулик. Шоир ҳам икки хил рангли инсонларни бир- бирига зид кўяр экан, қораларнинг бир- бирини қўллаб- қувватлашига, ҳар қандай тўсиқлардан аҳилликда сакраб ўтиб кетишига ҳавас қилади. Инсоният ўртасидаги низолар авж олган бир замонда қораларнинг ҳамжиҳатлигига ҳавас билан боқади. Зеро, шоир учун ким тарафда турмоқ эмас, эзгулик ва ҳақиқат тарафда турмоқ муҳимроқдир. Бу ҳақда шоир “Эзгулик” шеърисида шундай ёзади:

*Майиздай қоғ- қора бошли ҳабашҳам
Яхши ишқилганда ёнида тургил.*

Абдулла Орипов шеърисида ранг ва оҳанг синтези шоир лирик кечинмаларининг ёрқинроқ ифодаланишига, фалсафий юкни ортишига, англаш ва сезиш оламининг бетакрорлашувига ёрдам беради. Аммо шоир ижодида шундай шеърлар ҳам мавжудки, унда ранглар номи тилга олинмайди. Бирор ўринда оқ ёки қора сўзи ишлатилмайди. Аммо шеърни ўқир эканмиз, биз ўзимиз шеърнинг ичидан ўша рангни топамиз. Муаллиф рангларни ифодаловчи сўзларни эмас, рангларни ифодаловчи руҳиятни шеър ичига киритади, Бунга мисол қилиб “Қора юрак” шеърини келтириш мумкин. Тўғри, ижодкор сарлавҳада “қора” сўзини қўллайди. Аммо шеър матнида бир марта ҳам “қора” сўзидан муаллиф фойдаланмаган. Аксинча, шеър воситасида кўз олдимизда

рангларни гавдалантиради:

Ҳорғин бир йўловчи авжи иссиқ дам

Ўлар ҳолга келди, ғоятда ташна.

Дуч келган бир Инсон деди: – Бўл, бардам

Яна ўн қадам юр, булоқ бор, ошна.

Тасаввур қилайлик. Қуёш аёвсиз қиздирмоқда. Айни қуёш тифида ташналиқдан бениҳоя қаттиқ азоб-уқубатга дуч келган инсон келмоқда. Ташналиқ, чанқоқ уни юришга ҳам қўймайди. Қаттиқ ҳориган инсон бутунлай мадордан қолмоқда. У ҳамма нарсадан, ҳаётдан ҳам умидини узган бир паллада йўлида учраган биров ўн қадамдан кейин булоқ борлигини айтди. Мана, сизга ўша ранг. Яшадан деярли умидини узган инсон қаршисида ёруғлик пайдо бўлди: ўн қадамдан кейин булоқ бор! Айни шу ёруғлик, кўз олдимизга қайси рангни келтирди. Албатта, Оқ!

Сен чи, у охуга раҳмэтмай, ҳатто

Ўзинг сайд этардинг, кўзин ёшлардинг.

Ташна йўловчилар ичмасин деб то,

Ўша булоқни ҳамқўмиб ташлардинг.

Ана энди, шубҳасиз ўқувчи кўз ўнгида қора ранг гавдаланади. Шеърнинг ўзидан ранг топа олмоқ учун шоир ўша шеърдаги лирик кечинмага айна ўша рангни “қамаб қўймоғи” шарт. Шундагина бу кечинмани ва унинг ичидаги қамалган рангни ўқувчи ҳам кўриб, илғай олади. Бундай шеърлар шоир ижодида талайгина. Абдулла Орипов баъзан нафақат шеърдаги кечинмаларга, баъзан ҳатто биргина сарлавҳанинг ўзигаёқ рангларни қамаб қўя олади. Шоирнинг “Эверест ва уммон” идан ўрин олган “Фолбинлар” шеъри бунга мисол бўла олади. Зеро, ўқувчи фолбин сўзини эшитиши биланоқ унинг кўз ўнгида зулмат, шум хабар, ёвузлик — қора ранг гавдаланади. Ҳа, бу ўринда ўқувчи адашмайди. Сарлавҳанинг ўзиданоқ ўқувчи шоир шеър ичига қамаб қўйган

ранг “Қора” эканлигини англайди. Мантиқан, ўйлаб қараганда ҳам фолбинлик – қора иш

*Халқ ўзи яратар даҳоларини,
Сўнгра ўзи берар баҳоларини.
Фолбинлик қилишни жуда севасан,
Сен – қора қуртдирсан, қора бевасан.*

Аммо унинг ижодида барча шеърлардаги рангларни ҳам сарлавҳадан келиб топиб бўлмайди. Яъни юқоридаги “Фолбинлар” шеърида бўлгани каби мантиқдан келиб чиқиб шоирнинг шеър ичига қамаб қўйган рангини топиш мумкин эмас. Бунга Ориповнинг “Оқловчи ” шеъри мисол бўла олади. Аслини олиб қараганда оқловчи деганда кўз ўнгимизда кимгадир ёрдам қўлини чўзувчи, яхшилик қилувчи, ҳақиқатни ҳимоя қилувчи киши гавдаланади. Агар сарлавҳадан келиб чиқиб шеърнинг руҳиятини, унинг замиридаги рангни топиш мумкин бўлса, янглишамиз. Боиси, энди мантиқ бироз ўзгаради:

*Оқловчилик қилади котиб,
Кўгчиликдан қилманг, дер гина.
Ёмонларни бўлдиқ йўқотиб,
Қолганлари уч тўрттагина.*

Дастлабки сатрларни ўқишимиз биланоқ, сарлавҳа ва мантиқ ўртасидаги тўқнашувга гувоҳ бўламиз. Боиси шеърда энди биз сарлавҳадан келиб чиқиб тасаввур қилганимиз оқ ранг – поклик, эзгулик ҳақида сўз кетмаяпти. Шеърнинг кейинги бандларини ўқиш давомида шоир ифодалаган ранг аслида қора эканлигини англаб етамиз:

*Учраб турар балки бюрократ,
У ҳам юрар ўртадагина.
Порахўр- ку арзимас иллат,
Борлари ҳам уч, тўрттагина.*

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ранглар шoir адабий-эстетик қарашларини очиб берувчи восита. Ранг ва лирик кечинма синтези Абдулла Орипов шеърлари бадияти юксаклиги, бетакрорлигини таъминлашга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар: монография. – Бухоро: Бухоро, 1994. – 142 б.
2. Oripov A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Sharq. 2019. – 762 б.
- 3.Орипов А. Ҳаж дафтари. Ҳикмат садолари. – Тошкент: Шарқ, 1992. – 400 б.
- 4.Орипов А. Эверест ва Уммон. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 392 б.
- 5.Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш – Тошкент: Фан, 2007. – 242 б.
6. Қуронов С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси: филол. Фан. бўйича фал. докт. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дис. – Фарғона: ФарДУ, 2018. – 151 б.